



## ШУКУХ

### “БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ”НИНГ ЖАРАНГДОР ОВОЗИ

Бу йил юртимизда 700 мингдан ортиқ болажонлар илк бор мактабга қадам қўйди

Тўртинчи сентябрь куни мамлакатимизнинг барча ҳудудида “Биринчи қўнғироқ” садолари янгради. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги 10 минг 160 та умумтаълим мактабида 2023/2024 ўқув йили бошланди. Илк марта мактаб остонасига қадам босган 700 мингдан ортиқ 1-синф ўқувчисига 12 номдаги ўқув анжумларидан иборат “Президент совғаси” топширилди. Болалар учун бу тантана нафақат ўқув йилининг бошланиши, балки улар ҳаётида янги даврга йўл очувчи ҳаяжонли, ориқиб кутилган ва унутилмас сана сифатида хотираларда муҳрланди.

Давоми 2-бетда



## БУГУННИНГ ГАПИ

### ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВҒСИЗЛИГИ

Шу ҳафта Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро анжуманнинг асосий муҳокама мавзуси



Президентимиз бундан қарий бир йил олдин кўхна ва муаззам шаҳарда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкilotи давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида худди шу тақлифни илгари сурган, бундан кўзланган асосий моҳият ва мақсадларни шундай изоҳлаган эди: “Шуни тан олиш керакки, мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамасдан, ШХТ доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатликни йўлга қўя олмадик.



Давлатларимиз салоҳияти ички бозорларни бошқоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз ушбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўшимиз керак.

Шу муносабат билан Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблай-

миз. Ушбу ҳужжатда мавжуд норматив-ҳуқуқий базани яқинлаштириш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва янгиликларни жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга... Ушбу ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида келгуси йили Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказишни тақлиф этамиз”.

Давоми 3-бетда

## ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

### КЛАСТЕР

Қишлоқ хўжалигининг замонавий ва самарадор қуввати

Тайёр маҳсулот истеъмолчиға етиб боргунига қадар бир неча босқичдан ўтади. Масалан, мева-сабзавотни деҳқон етиштиради, ишлаб чиқарувчи уни олиб, қайта ишлайди, олибсатар ёки экспортчи эса бозорга чиқаради. Буларнинг бари алоҳида ишчи кучи, техник воситалар, қўшимча сарф-харажат дегани.



Ҳўш, шуларни бир жойда жамлашнинг имкони йўқми? Бор, албатта. Бундан икки йил олдин юртимиз қишлоқ хўжалигида жорий этилган кластер тизими хомашедан тайёр маҳсулотгача бўлган занжирни ўзида бирлаштириш орқали бу вазифани бажармоқда. Ўтган қисқа вақт ичида янги тизим самарадор эканини кўрсатди, ҳудудларда минглаб иш ўринлари яратилиб, импорт маҳсулотларни

маҳаллийлаштириш имконини вужудга келтирди. Замонавий қишлоқ хўжалигини “кластер” атамаси билан ёнма-ён қўллашга одатланиб улгурдик. Соҳадаги бу янгича ёндашув тез фурсатда оммалашиб, натижа бера бошлади, тармоқда кескин ўзгаришлар қилишга замин яратди. Шу боис, ҳозир кластерларга қишлоқ хўжалигининг локомотиви сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимиздаги дастлабки кластер пахта-тўқимачилик йўналишида иш бошлаган эди. Бугунги кунга келиб, шу йўналишда 134 та кластер фаолият юритяпти. Худудлар ривожини, янги иш ўринлари яратиш, экспортбop маҳсулот ишлаб чиқариш борасида улар юқори натижаларга эришмоқда. Хусусан, юртимиз пахтачилигида толали қайта ишлаш 100 фоизга етказилиб, ип-калага ишлаб чиқариш 2,2, тайёр маҳсулот 5 баробар ортди.

Ўтган олти йил ичида бир гектардан олиннадиган пахта ҳосили 26 центнердан 34 центнерга етган. Айниқса, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларида 40 центнергача ҳосил олинмоқда. Шу йўналишдаги кластерларда меҳнат қилиб, даромад топаётганлар сони эса 600 минг кишини ташкил этапти.

Давоми 4-бетда

## МУНОСАБАТ

### МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ

АФЗАЛЛИГИ НИМАДА? КАМЧИЛИГИ-ЧИ?

Олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида таълим жараёнини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматини ривожлантириш, вебинар, онлайн, blended learning, flipped classroom технологияларини кенг жорий этиш кўзда тутилган.


2020 йилда дунёни қамраб олган пандемия консерватив соҳа ҳисобланган таълим тизимини ҳам янги шароитга мослаштириш ва ўзгача тартиб-қоидалар бўйича иш олиб боришга мажбур қилди. Коронавирус тарқалиши масофавий ўқитиш тизимида туб бурилиш даврини бошлаб берди. Пандемия сабаб Ўзбекистондаги нафақат олий таълим, балки мактабгача, умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хўнара таълими тизими ҳам масофавий ўқитиш усулига ўтди. Қўрилган чоралар натижасида таълим тизимиға масофавий технологиялар жорий қилиниб, 7 миллион ўқувчи ва 500 минг талабага онлайн дарс бериш йўлга қўйилди.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, дунёда таълим олиш истагида бўлганлар таълим муассасаларидаги ўринлар сонига нисбатан кўп. 2025 йилга бориб, талабалар сони қўшимча 98 миллион нафарга кўпаяди. Йилдан-йилга ортиб бораётган ушбу талабни таъминлашда таълимнинг масофавий шакли қулай ечим бўлиши мумкин.

Унинг афзаллиги шундаки, ҳар ким ўзига қулай вақт қулай жой ва муҳитда билим олиши мумкин. Талаба ва ўқитувчи интернет технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўлади. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради.

Давоми 5-бетда

## НУҚТАИ НАЗАР



ҚУРИЛИШ СОҲАСИ: САККИЗТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ 2

## ТУРИЗМ



РИШТОНГА САЙЁҲ КЕЛСА, ХИЖОЛАТ БЎЛАРДИК 6

## ДАХЛДОРЛИК

### ЯНГИ МЕГАЛОЙИҲА

Мақсад аниқ, натижани эса вақт кўрсатади

Ривожланган давлатлар муваффақияти таҳлил қилинганда, тўғри танланган бошқарув тизими ва таълимга эътибор мамлакатни юксак поғонага олиб чиққанига гувоҳ бўлаемиз. Инсоният тарихига назар ташланганда ҳам илм-фан, таълим инсон ақлий эҳтиёжи, турмуш машаққатларини енгишда нажоткор бўлиб келгани ойдинлашади. Сабаби ҳар қандай соҳанинг ривожини, инсон ақл-заковатининг бойиши замирида илм ётади. Шу маънода, мамлакатимиз дунё давлатлари орасида ўзига хос такомиллашётган таълим тизими билан мустаҳкам мавқега кўтарилмоқда.

Давоми 5-бетда



## ШУКУХ

# “БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ”НИНГ ЖАРАНДОР ОВОЗИ

## Бу йил юртимизда 700 мингдан ортиқ болажонлар илк бор мактабга қадам қўйди

Бошланғич 1-бета

Умумтаълим мактабларида тахсил олаётган 6,5 миллиондан ортиқ ўқувчи иштирокида ташкил этилган “Биринчи қўнғирок” тадбирларида Мактабгача ва мактаб таълими вазири мутасаддилари, маҳаллий ҳокимлик ва идоралар масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ва ота-оналар қатнашди.

Шундай тантаналардан бири пойтахтимиздаги 64-мактабда бўлиб ўтди. Унда мактабгача ва мактаб таълими вазири Хилола Умарова иштирок этиб, йиғилганларни янги ўқув йили билан табриклиди.

Барчангизни бошланаётган янги ўқув йили билан қизгин муборакбод этаман. Айниқса, мактабга илк бор қадам қўйган 1-синф ўқувчиларини, уларнинг ота-оналарини қўшалоқ байрам билан табриклиман, — деди вазир. — Бу йил асосий эътиборни ўқувчиларга сифатли таълим беришга қаратамиз. Хусусан, сиз билим олаётган ушбу мактабда шу ўқув йилидан бошлаб Президент ва ихтисослашган мактаблардаги янги методикаларга асосланган баҳо-

ликлар, хусусан, бошланғич синфлар учун ишлаб чиқилган янги дарсликлар кутиб турибди. Буларнинг барчаси, умуман, соҳадаги ҳар бир янгилашни юртимиз эртаси бўлган фарзандларимизнинг иқболи учун. Шиддат билан ривожланиб бораётган замонда улкан марраларни забт этишда мактаб таълимнинг ўрни беқиёс. Бунда, аввало, фидойи ва малакали устозларимизга сўянамиз.

Мактабнинг дид билан безатилган ҳовлисида тантана давом этди. Мусика садоси остида ўғил-қизлар билимга чорловчи шеър ва қўшиқлар ижро этишди. Сўзга чиққанлар “Биринчи қўнғирок” шунчаки байрам эмаслиги, мустақиллик, тинчлик, билимлар байрами сифатида ўғил-қизларни катта мақсадлар сари бошлаши, мактабга, илм-фанга юксак ҳурмат туйғусини шакллантиришини таъкидлади.

Бундай тантаналар юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кўтаринки са-



маҳалла ҳудудидаги 13-мактаб тўлиқ реконструкция қилинди. 12 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига қарий 650 ўқувчига мулкдорларнинг мактаб биноси янгидан таъмирланди. Унга қўшимча 420 ўринли ўқув биноси қуриб берилди. “Биринчи қўнғирок” чалинганидан сўнг ўқувчилар барча қўлайликка эга, замонавий жиҳозланган, шинам синфхоналар сари ҳаяжон ва иштиёқ билан йўл олди. Уларга “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!” шiori остида “Мустақиллик дарси” ўтилди.

Ушбу дарсларда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, ёшларимиз қўлга киритаётган марралар ҳамда миллий тарихимизнинг ёрқин лавҳалари ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берилди. Зотан “Мустақиллик дарси”дан қўзланган мақсад янги ўқув йилини ўқувчилар тафаккурини миллий ва умуминсоний қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик туйғуларини билан уйғун ҳолда бошлашдан иборат.

Шунингдек, “Мустақиллик дарси”да жадидчилик ҳаракати намояндалари, жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхон каби фидойи ватандошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятига оид тақдиротлар ўтказилди.

Жорий ўқув йилидан бошлаб бошланғич синф ўқувчиларининг

халқаро талабларга мос янги дарсликлар асосида тахсил олиши барча учун катта хушхабар бўлди. Ушбу дарслик ва қўшимча ўқув қўлланмалари ота-оналар, ўқитувчиларга ҳам манзур бўлди.

— Ўғлим Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусика мактабининг 1-синфига қадам қўйди, — дейди тошкентлик Саодат Турабоева. — “Президент совғаси”дан фарзандим жуда хурсанд бўлди. Айниқса, янги дарсликлар замонавий, болалар ёшига мос безатилган, машғулотлари ҳам содда, тушунарли берилган. Бу дарсликлар фарзандларимизнинг билими, салоҳияти бўлиб вояга етишига хизмат қилиши шубҳасиз.

“Биринчи қўнғирок” ва “Мустақиллик дарси” тадбирлари ўқувчилар, ота-оналар, педагоглар учун шуқул тарзда ўтди. Бу тантаналар ўғил-қизларда сифатли таълим олиш, креатив, мустақил фикрлаш, муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган замонавий билимларни эгаллаш, хорижий тилларни мукамал ўрганишга иштиёқ уйғотганига ишонамиз.

Рисолат МАДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



лаш тизими тажриба-синовдан ўтказилади. Мактабнинг ўқувчилари бу йил “Энг яхши хорижий тил мактаби” танловининг туман босқичида 2-ўринни эгаллади. Уйлаймизки, келгуси ўқув йилида мактаб жамоасининг ютуқлари бундан-да кўп бўлади. Янги ўқув йилида болаларимизни кўплаб янги-

вияда ташкил этилди. Айниқса, янги барпо этилган, тўлиқ таъмирланган таълим муассасалари “Билимлар кўни”ни ўзгача шуқул билан қарши олди. Жумладан, Хоразм вилояти Богот туманининг олис Қипчоқ маҳалласида бу тадбир ҳар йилгидан ўзгача ўтди. Чунки бу йил инвестиция дастури асосида

## ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

# ҚИЗИЛҚУМ ИНВЕСТИОРЛАРНИ НИМАСИ БИЛАН ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА?

Навоий вилояти марказидан 300 километр олисда жойлашган Учқудуқ туманининг асосий драйвери ҳисобланган санаот, ишлаб чиқариш йўналишларидаги лойиҳалар натижасида ҳудудда кенг қўламли геология-қидирув, янги конлар очиб, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ва қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал суръатда давом этмоқда. Туманда Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармаси тасарруфидаги йирик корхоналар мавжуд бўлиб, улар нафақат республикада, балки дунёда етакчилар қаторида туради. Ҳозир бошқармада 8 мингдан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Улар учун муносиб меҳнат шароити яратилган иш самарадорлиги ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

## Ёзи жазирама, киши қаҳратон

Ўтган асрда биргина тоғ-кон санаоти билан танилган Учқудуқда бугун бошқа соҳалар ҳам жадал ривожланыпти. Хусусан, чорвачилик ривож авжида. Айни пайтда туманда чорва бош сонини ошириш, аҳолини сифатли гўш ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани самарасида катта ютуқларга эришилди.

— Бу ернинг ёзи иссиқ, қиш жуда совуқ. Шунинг учун чорвачиликни ривожлантиришда шу жиҳатлар ҳам эътиборга олинади. Айни вақтда 150 га яқин фермер хўжалиги ва МЧЖ шу йўналишда фаолият кўрсатмоқда.



## Бандлик фаровонлиқни таъминлайди

Учқудуқ туманида 985 та хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда ва улар томонидан 3 мингга яқин иш ўрни яратилган. Туман аҳолисининг 18 мингдан ортигини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Уларни касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорликка йўналтириш мақсадида тизимли ишлар йўлга қўйилган. 10 гектар майдонда ташкил этилган Ёшлар санаот зонасида 28 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Ҳозир мебель чеҳи, меҳмонхона, савдо мажмуаси сингари 4 та лойиҳа фойдаланишга топширилган бўлса, 14 та лойиҳа доирасида қурилиш ишлари давом этмоқда. Тадбиркорлик учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар эса олис чўл ҳудудда ишбилармонлик муҳити янада кенг қўлчоқ ёзишга хизмат қилаётди.

— Жорий йилда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида 400 га яқин фуқарога банклар томонидан 10 миллиард сўмдан зиёд кредит берилди. Уларнинг 68 нафари ишлаб чиқариш, 289 нафари хизмат кўрсатиш бўйича фаолият бошлади. Туманимизда ҳудудлар кесимида уларнинг асосий драйверлари белгилаб олинган. Мисол учун, туман маркази ва унга яқин ҳудудларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш,

олис маҳаллаларда эса чорвачилик асосий драйвердир, — дейди туман ҳокими ўринбосари Фаррух Бафоев.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Учқудуқ туманида ҳам ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, санаот, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, экспортбоқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, айниқса, ҳудудга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жорий йилда туманда 3,5 миллион доллар инвестиция жалб қилиш вазифаси қўйилган бўлса, бугунги кунда олти ойлик режа 2 миллиард долларга ортиги билан бажарилган. Йил якунига қадар хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича кўрсаткич 5,5 миллион долларга етиши кутилмоқда.

Ҳозир туманда марказий шифохона, кўп тармоқли марказий поликлиника, оилавий поликлиника, 7 та оилавий шифокорлик пункти ҳамда 3 та маҳалла тиббий пункти мавжуд.

— Туман марказий шифохонасида барча касалликлар бўйича бўлимлар бўлиб, уларда малакали шифокорлар фаолият юритмоқда. Яқинда туғуруқ бўлимининг моддий-техник базаси тўздан янгиланди ва замонавий тиббий усуналар билан жиҳозланди. Бу эса она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда қатор қўлайликлар яратди. Жумладан, оғир асоратлар билан ёки мудатидан олдин туғилган чақалоқлар парвариши учун янги тиббий аппаратлар олиб келинди, — дейди Учқудуқ тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Хуршид Шукуров.

Мустақиллигимизнинг 32 йиллик шодиёналарини учқудуқликлар ана шундай бунёдкорлик ва турли соҳалардаги ютуқлар билан кутиб олмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ

Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудолуқка учради.

Миллий қўшиқчилик санъатимизнинг атоқли намояндаси, устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев шу йил 4 сентябрь куни 77 ёшида вафот этди.

Шерали Жўраев 1947 йил 12 апрелда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида туғилди. 1971 йилда Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)ни тамомлаб, меҳнат фаолиятини “Шодлик” ашула ва рақс ансамблининг хонандаси сифатида бошлади. Кўп йиллар Андижон вилояти филармонияси, Ўзбекистон давлат филармонияси, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси каби ижодий ташкилотларда фаолият кўрсатиб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилди.

Шерали Жўраев ўзининг ноёб истеъдоди, бетакрор овози ва юксак ижро маҳорати билан юзлаб ёрқин қўшиқлар яратиб, халқимиз ўртасида муносиб обрў-эътибор топти. Мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг кўплаб шеърини намуналари куйга солиб, ўзбек қўшиқчилик санъатининг “олтин фонди”ни бойитишга беқиёс ҳисса қўшди.

Шерали Жўраев кўп йиллик самарали ижоди билан замонавий миллий санъатимиз ва маданиятимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти, “Фидокорона хизматлари учун” ва “Эп-юрт хурмати” орденлари билан мукофотланган эди.

Бетакрор санъаткор, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози Шерали Жўраевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,  
А. АРИПОВ, Х. СУЛТОНОВ, О. НАЗАРБЕКОВ

## НУҚТАИ НАЗАР

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИ: САККИЗТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Президентимизнинг шу йил 28 августдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг соҳа ривожини учун долзарблиги ва аҳамияти нимада?

Вазирлик матбуот хизматидан маълум қилишларича, ушбу ҳужжат асосида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятининг 8 та устувор йўналиши белгилаб берилди. Шунингдек, вазирлик тизимидаги ташкилотларни қайта ташкил қилиш дастури ҳам тасдиқланди. Унга кўра, Қурилиш вазирлиги фаолиятини ривожлантириш ва Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигини ривожлантириш жамғармалари бирлаштирилиб, янги жамағатга айлантирилди. Вазирлик муассасилигидаги 5 та давлат унитар корхонаси ва 1 та масъулияти чекланган жамият қайта ташкил этилиб, давлат муассасаларига айлантирилди ҳамда фаолиятига оид асосий тартиб-таомиллар белгилаб берилди. Шунингдек, вазирлик ҳузуридаги марказ ва илмий-тадқиқот институти номлари ўзгартирилиб, фаолият йўналиши тасдиқланди.

“Узсувтаъминот”, “Ўзоғирсаноатлоиҳа” ва “ТошуйғойЛИТИ” АЖЛарининг акцияларини бошқариш ваколати вазирликка ўтказилиб, вертикал бошқарув ва ҳисобдорлик тизими яратилди.

Таъкидлаш кераки, вазирлик ҳузуридаги Кўп хонадонли уйлари мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси тугатилиб, унинг ўрнига ҳокимликлар ҳузуридаги Кўп қаватли уйлари таъмирлаш инжиниринг компаниялари ва ҳудудий бошқармалар ҳузурида Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компаниялари ташкил этилди.

Яна бир янгилик: вазирлик ҳузурида аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бююртмачи функциясини бажарадиган ҳамда Давлат шаҳарсозлик кадастрини ва шаҳарсозлик геоахборот тизимини юридадиган Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш республика маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, архитектура, қурилиш, муҳандислик ва коммунал хўжалиги соҳаларида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни баҳолаш бўйича ихтисослашган давлат олий таълим муассасаси, яъни Компетенцияни ривожлантириш институти ташкил этилмоқда.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат тизими янада кучайтирилмоқда ва унинг қамрови кен-



Кейинги йилларда “Ватандошлар” жамоат фондининг Васийлик кенгаши раиси вазифасида самарали меҳнат қилиб, хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан алоқаларни мустақамлашда муносиб хизмат қилди.

Моҳир санъаткор ўзбек миллий қўшиқчилигида ўз ижодий мактабини яратиб, кўплаб ёш истеъдод эгаларини тарбиялади.

Шерали Жўраевнинг миллий санъатимиз ва маданиятимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти, “Фидокорона хизматлари учун” ва “Эп-юрт хурмати” орденлари билан мукофотланган эди.

Бетакрор санъаткор, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози Шерали Жўраевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,  
А. АРИПОВ, Х. СУЛТОНОВ, О. НАЗАРБЕКОВ

## НУҚТАИ НАЗАР

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИ: САККИЗТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Президентимизнинг шу йил 28 августдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг соҳа ривожини учун долзарблиги ва аҳамияти нимада?

Вазирлик матбуот хизматидан маълум қилишларича, ушбу ҳужжат асосида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятининг 8 та устувор йўналиши белгилаб берилди. Шунингдек, вазирлик тизимидаги ташкилотларни қайта ташкил қилиш дастури ҳам тасдиқланди. Унга кўра, Қурилиш вазирлиги фаолиятини ривожлантириш ва Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигини ривожлантириш жамғармалари бирлаштирилиб, янги жамағатга айлантирилди. Вазирлик муассасилигидаги 5 та давлат унитар корхонаси ва 1 та масъулияти чекланган жамият қайта ташкил этилиб, давлат муассасаларига айлантирилди ҳамда фаолиятига оид асосий тартиб-таомиллар белгилаб берилди. Шунингдек, вазирлик ҳузуридаги марказ ва илмий-тадқиқот институти номлари ўзгартирилиб, фаолият йўналиши тасдиқланди.

“Узсувтаъминот”, “Ўзоғирсаноатлоиҳа” ва “ТошуйғойЛИТИ” АЖЛарининг акцияларини бошқариш ваколати вазирликка ўтказилиб, вертикал бошқарув ва ҳисобдорлик тизими яратилди.

Таъкидлаш кераки, вазирлик ҳузуридаги Кўп хонадонли уйлари мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси тугатилиб, унинг ўрнига ҳокимликлар ҳузуридаги Кўп қаватли уйлари таъмирлаш инжиниринг компаниялари ва ҳудудий бошқармалар ҳузурида Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компаниялари ташкил этилди.

Яна бир янгилик: вазирлик ҳузурида аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бююртмачи функциясини бажарадиган ҳамда Давлат шаҳарсозлик кадастрини ва шаҳарсозлик геоахборот тизимини юридадиган Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш республика маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, архитектура, қурилиш, муҳандислик ва коммунал хўжалиги соҳаларида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни баҳолаш бўйича ихтисослашган давлат олий таълим муассасаси, яъни Компетенцияни ривожлантириш институти ташкил этилмоқда.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат тизими янада кучайтирилмоқда ва унинг қамрови кен-

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири





# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

## Шу ҳафта Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро анжуманнинг асосий муҳокама мавзуси



**Абдурауф ҚОРЖОВОВ, шарҳловчи**

**Бошланиши 1-бета**

Мазкур ташаббус ўз ижобати топяпти ва 7-8 сентябрь кунлари Самарқандда халқаро конференция бўлиб ўтади. Анжуман Ўзбекистон ҳукумати томонидан БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) техник кўмағида ташкил этилган. Тадбирда 30 дан зиёд мамлакатдан вазири ва дипломатлар, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Ислоҳ озиқ-овқат хавфсизлиги ташкилоти, Осие тараққиёт банки каби халқаро ташкилот, молия институтилари, илмий муассасалардан вакиллари қатнашади. Унинг доирасида мамлакатимиз аграр тармоғини ислоҳ қилиш бўйича эришилган ютуқлар тақдироти, "Ўзбекистон агроозиқ-овқат салоҳияти" кўргазмаси ва Биринчи агроозиқ-овқат инвестиция форуми ўтказилади. Форумда Германия, Италия, Исроил, Венгрия, Корея Республикаси, Польша, Озарбайжон, Қозғоғистон каби давлатлардан 50 дан зиёд компания қатнашиши кутилмоқда.

**Тармоқнинг бугуни ва истиқболдаги имкониятлари**

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти қайд этишича, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш бу — барча инсонларнинг хоҳлаган вақтда жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан етарли миқдорда хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини аниқлатади. Ушбу маҳсулотлар шахсини физиологик мезъерлар

**Статистик маълумотларга қараганда, юртимизда 2022 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи индекси 115,6 фоизга тенг бўлган. Мевалар нархида кузатишган пасайиш инфляцияни тутиб турувчи омил бўлиб хизмат қилди. Гўшт, балиқ, ёғ-мой маҳсулотлари ҳамда сабзавотлар нархининг ўсиш суръати 2021 йилдагига нисбатан паст даражада қайд этилди.**

бўйича қониқтириши, унинг хоҳиш-истағига мос келиши ва фаол соғлом турмуш тарзини шакллантириши зарур.

Мутахассисларнинг фикрича, озиқ-овқат маҳсулотлари танқис бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш секинлашгани ва ақсинча, фуқаролари етарли рақибда овқатланган давлатларда ривожланиш тезлашгани кузатишган. 1 фоиз миқдордан кўпроқ оқсил моддасини истеъмол қилиш янги ички маҳсулотнинг йилгига 0,49 фоиз ўсишини таъминлайди. ЯИМ йилгига 1 фоизга ўсиб борса, аҳолининг даромади 72 йилда 2 баробарга, янги миллий маҳсулот 2 фоизга кўпайса, одамларнинг пул маблағлари 36 йилда 4 баробар ошади ва ҳоказо. Шу сабабли, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

— Қолаверса, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози озиқ-овқат муаммосини кескинлаштирди, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Рискул Сиддиқов. — Жаҳоннинг 54 мамлакатда оилалар моддий аҳоли даражасининг пасайиши кузатишган, 20 дан зиёд давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналаётгани, 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқарган, сунгги йиллар

да дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи тўйиб овқатланмаётгани бунинг яққол далилидир. Шу боис, жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласига жуда катта аҳамият бериб келинади. Энг сунгги тадқиқотлар сайёра аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўйиб овқатланмаслик оқибатида асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосидан азият чекаётганини, 52 мамлакатда очликнинг "жиддий", "хавотирли" ва "фавқуллода жиддий" даражалари қайд этилганини кўрсатмоқда.

Ҳақиқатан, дунёда иқлим ўзгараётгани, кўп жойларда кузатилаётган қуроқчилик оқибатида озиқ-овқат етишмовчилиги долзарблашиб бормоқда. ФАОнинг таҳлилича, жаҳонда айни пайтда 2,3 миллиард инсон кам ёки ўткир озиқ-овқат хавфсизлиги йўқлиги ҳолатида яшамоқда, уларнинг 566 миллиони Осиеда истиқомат қилади.

Бунинг устига, халқаро майдондаги зиддиятлар туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш мураккаб бўлиб бормоқда. Пандемия ҳам биринчи зарбани логистика занжирлари ва ишлаб чиқарувчиларга берди. Натижада озиқ-овқат нархлари кўтарилди, табиий газ баҳосининг кескин ошиши туфайли мамлакатлар етарли миқдорда ўғит ишлаб чиқара олмади, ўнлаб йиллар давомида шакллантирилган халқаро логистика эса барбод бўлди.

Қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитовнинг қайд этишича, конференция кун тартибидан иштирокчи мамлакатлар ўртасида юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш учун самарали логистика, "яшил" ва экспресс йўлақлар ташкил этиш масаласи ҳам ўрин олган.

**Миллий хусусиятларга таянсақ...**

Шу ўринда "Economist Intelligence Unit" таҳлил агентлиги томонидан "Corteva Agriscience" кўмағида ҳар йили қайтадан тузилладиган Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индекси (GFSI) рейтинг кўрсаткичларига назар ташлаб қўйиш фойдадан холи бўлмайди.



95 фоизи бўйича узиллишлар бўлиб турган ва бу собиқ иттифоқ ҳудудида кундалик асосий озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига қарточкалар орқали сотиш тизимини жорий этишга сабаб бўлган эди. 1989 йилда статистика органлари томонидан юртимиз аҳолиси ўртасида ўтказилган расмий сўровларда қатнашганларнинг 89,3 фоизи гўшт маҳсулотларини етарли даражада истеъмол қилмаётганини айтган. Бу кўрсаткичлар сўт маҳсулотлари бўйича 56,5 фоиз, шакар бўйича 55,3 фоиз, қандолат маҳсулотлари бўйича 49,5 фоиз, картошка бўйича эса 17,5 фоизни ташкил этган.

Ушбу рақамлар мустақиллик остонасида республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигига кучли таҳдидлар



мавжуд бўлгани, юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ўзи қодир бўлмади қолганини кўрсатади. Шунинг учун ҳам истиқлолга эришилганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳаёт-мамонт масаласига айланди. Қисқа даврда эришилган натижалар унинг нечоғлиқ катта қадр-қимматга эгаллигини намоян элади.

Жаҳонда уч тармоқли иқтисодиёт назариясига мувофиқ, тараққиётнинг индустриал босқичидан постиндустриалга ўтиш жараёни шиддат билан кечмоқда. Шундай бир пайтда аграр соҳани жадал ривожлантириш ғайритабиий туюлмайдими?

— Гап шундаки, дунёда, хусусан, мамлакатимизда юзга келган ижтимоий-иқтисодий вазият ва миллий

иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари айнан аграр тармоқни тез суръатларда ривожлантириш, истиқболда уни иқтисодий юксалишнинг етакчи омилгига айлантиришни тақозо этмоқда, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Мурод Муҳамедов. — Аслини олганда, ушбу нуқтаи назар ҳозирги кунда иқтисодиёт илми оламида ҳукмронлик қилаётган ва дунёнинг деярли барча мамлакатлари амалиётда қўлланилаётган уч тармоқли иқтисодиёт назарияси тармоқлига эришилган жамиятда иқтисодиёт бандларнинг 10 фоизи қишлоқ хўжалигида, 20 фоизи саноатда, 70 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмоғи лозимлиги кўзда тутилади. Юртимизда эса мазкур секторларнинг улуши аввалги йилги маълумотларга кўра, мос тарзда 26,2, 33,3 ҳамда 50,5 фоизни ташкил қилган. Гап шундаки, миллий хусусиятларга эга Ўзбекистон шартларида айнан қишлоқ хўжалигига стратегик тармоқ сифатида қараш қатъия қилиниши мумкин. У жаҳон андозасига қанчалик тўғри келиши ёки келмаслигини қатъи назар, биз учун иқтисодий тараққиётда эришилган пировард натижа муҳим.

Бинобарин, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида юртимизда 2018 йил ҳолатига кўра, аҳоли ўртасида умумий тўйиб овқатланмайдиганларни ташкил этган 6,3 фоизни 2025 йилга келиб, 3 фоизгача камайтириш ҳамда 2030 йилга бориб нолий даражага тушириш устувор вазифа сифатида белгиланган ва ушбу мақсадга эришиш учун тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз раислигида шу йил 23 март кунини озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, баҳорги экин мавсумини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида сунгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлар етиштиришга 200 минг гектар ер ажратилгани ҳамда 500 минг гектар қўшимча майдонлар фойдаланишга қиритилгани ички бозорда нарх-навоини барқарор сақлашга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Статистик маълумотларга қараганда, юртимизда 2022 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи индекси 115,6

фоизга тенг бўлган. Мевалар нархида кузатишган пасайиш инфляцияни тутиб турувчи омил бўлиб хизмат қилди. Гўшт, балиқ, ёғ-мой маҳсулотлари ҳамда сабзавотлар нархининг ўсиш суръати 2021 йилдагига нисбатан паст даражада қайд этилди.

Халқ дастурхони тўқин бўлиши мақсадида давлатимиз раҳбари шу йил 23 март кунини имзолаган "Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон билан 2024 йил 1 январгача 32 турдаги озиқ-овқат маҳсулотининг (36 турдаги озиқ-овқат ва товарлар) импорт божлари нолий ставкада белгиланди. Бундан ташқари, 1 майдан эътиборан ижтимоий реестрга кирган мол, қўй, парранда гўшти, тухум ва ўсимлик ёғи харид қилса, аҳолига қўшилган қиймат солиғи қайтарилади. Бу орқали 2 миллиондан ортиқ оилага енгиллик яратилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, фармонда имтиёз кўзда тутилган товарларга божхона божларини нолаштириш гўшт ва гўшт маҳсулотлари импортини 4,8 миллион, пишлоқни қарийб 900 минг, ёғноқни 1,3 миллион, олма ва ноқни 1,9 миллион, янги меваларни 1,6 миллион, шоколадни 4,7 миллион, қандолат маҳсулотларини 1,2 миллион долларга оширади. Хусусан, 2022 йилда республикамизга қарийб 900 миллион долларлик маҳсулотлар чет элдан харид қилинган.

— Озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал қилишда қатор қийинчиликлар борлиғига қарамай, юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш ва шу орқали озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилаётганини ҳам айтиш зарур, — дейди Рискул Сиддиқов. — Хусусан, 2023 йилда белгиланган кўрсаткичларга эришиш мақсадида 4 миллион гектар асосий, боғ-тоқ қатор оралари, палми ва тақорий майдонларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш белгиланган. Ушбу майдондан 8,1 миллион тонна бошқа мейли, 12,2 миллион тонна сабзавот, 2,5 миллион тонна полиз, 4,1 миллион тонна картошка, 3,1 миллион тонна мева ва 2 миллион тонна узум етиштирилиши кутилмоқда.

Шунингдек, ҳудудларда дала четларига 71 мингта фермер хўжалиги томонидан жами 59 минг гектарга тут, тоқ, терак, мевали қўчатлар ҳамда 24 минг гектарга полиз, сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилди. Чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича йил якунига қадар қорамоллар сонини 14,4 миллион, қўй-эчкиларни 24,3 миллион бошга етказиб, 2,9 миллион тонна гўшт, 12,2 миллион тонна сўт, 9 миллиард дона тухум, 650 минг тонна балиқ ва 31 минг тонна асал ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Юртимиз озиқ-овқат саноатида 22 мингдан ортиқ турли мулкчилик шакли-

даги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 2023 йилда жами 75,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

**Ҳамкорлик қирралари**

ФАО 1945 йилда ташкил этилган, орадан бир йил ўтиб БМТнинг озиқ-овқат масалалари бўйича ихтисослашган муассасаси мақомига эга бўлди. Унга бугунги кунда 194 давлат аъзо ва 130 дан ортиқ мамлакатда фаолият юритади. Ташкилот фаолиятининг асосий мақсади озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолининг юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятини таъминлашга қаратилган.

ФАОнинг бош қароргоҳи Италиянинг Рим шаҳрида жойлашган, Ўзбекистондаги ваколатхонаси 2014 йилда очилган. Айни пайтгача ҳамкорлик режасига биноан, ташкилот бир қатор устувор йўналишларда Ўзбекистон ҳукумати, шу жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазири ва бошқа давлат ташкилотларига институционал ҳамда стратегик ёрдам кўрсатиб келади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, бозорга кириш занжирлари ва барқарор табиий ресурсларни бошқариш, иқлим ўзгариши ва биохилма-хиллик соҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил июнь ойи бошида Италияга расмий ташрифи чоғида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти офисига ташриф буюрди ва унинг бош директори Цюй Дунъюй билан учрашув ўтказди.

Унда Ўзбекистон билан ушбу муҳим ихтисослаштирилган халқаро институт ўртасидаги ҳамкорлигини, энг аввало, аграр тармоқни модернизация қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби устувор йўналишларда кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари қўриб чиқилди.

Президентимиз кейинги йиллардаги самарали ҳамкорлик натижаларини алоҳида мамнуният билан қайд этди. Бинобарин, охириги бир неча йилда ҳамкорлик портфели уч баробар кенгайди ва бугунги кунда ер ва сувдан фойдаланиш, агросаноат мажмуи, ўрмон хўжалиги, экология, чорвачилик ва қўллаб бошқа йўналишларни қамраб олган.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг ФАО билан ҳамкорлигидаги қўшимча лойиҳалари сони 66 та бўлиб, умумий қиймати 70,05 миллион долларни ташкил этади. Бугунга қадар жами 15,03 миллион долларлик 33 та лойиҳани амалга ошириш якунланди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги, фундаментал илмий тадқиқотлар, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, Оролбўйининг экологик муаммоларини ҳал қилиш ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган 2030 йилга қадар ҳамкорлик бўйича янги кен қўламли дастурни ишлаб чиқиш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинган. Ҳозирги пайтда 33 та лойиҳа устида иш юритилляпти (55,14 миллион доллар) ва умумий қиймати 41,3 миллион долларга тенг 4 та лойиҳа устида иш олиб бориляпти.

Юқорида қайд этганимиздек, ФАО Самарқандда ўтказиладиган Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференцияга техник кўмак бермоқда.

— Бўлажак конференция ФАО ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлигининг янада ривожланишига хизмат қилади, — дейди ФАОнинг Марказий Осие бўйича субминтақавий координатори Виорел Гуцу. — Тадбир дунёда агро-озиқ-овқат тизимларини ривожлантириш борасидаги қачирқ ва ечимларни муҳокама қилиш учун яхши майдон бўлади, деб ўйлайман. Бундан ташқари, 2030 йилга қадар озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланишни яхшилаш бўйича аниқ вазифалар, шунингдек, барқарор қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олинган "Ноль очлик" 2-Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мақомини таҳлил қилиш имконини беради.







www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz\_uz\_news

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

# КЛАСТЕР

## Қишлоқ хўжалигининг замонавий ва самарадор қуввати

Ирода ТОШМАТОВА,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

### ИП-КАЛАВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ 6 МИНГ ТОННАГА ЕТДИ

Бошланиши 1-бетда

Шу йилнинг 18 август куни давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очiq мулоқоти олдидан "Фаол тадбиркор" кўкрак нишонига муносиб кўрилган юртдошларимиз орасида пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари ҳам бор. Улар айти йўналишда юқори натижаларга эришиб, ўзбек бренди остидаги текстиль маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқаётган, энг илғор технологиялар асосида пахта етиштиришдан маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган занжирни ярата олган ва бунинг ордидан мамлакат

иқтисодиёти, халқ фаровонлигига ҳисса қўшаётган фаол ишбилармонлардир.

Учрашув давомида кластерларга катта ишонч билдирилиб, янги тизим ўз натижасини бераётгани ва олдидан ҳали кўзланган марралар катта экани таъкидланди. Хусусан, келгуси йилда соҳадаги экспорт 1,5 баробар кўпайтирилиб, 2022 йилдаги 3,2 миллиард доллар ўрнига 5 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Ана шу учрашув арасида тақдирланган фаол ишбилармонларнинг айримларининг қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар хусусида фикрларини олишга ҳаракат қилдик.



Сарвар УМРЗОҚОВ,  
Фарғона вилояти, Тошлоқ туманидаги "Ехро color prin tex" МЧЖ раҳбари, "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони соҳибига:



— Кластер бу — замонавий тизим. У аёнавий қишлоқ хўжалигидан илғор техникаларнинг қўлланилиши, маҳсулот етиштириш ва ишлаб чиқариш жараёнини илм-фан ҳамда рақамлашган технологиялар асосида амалга оширилиши билан ажралиб туради. Бу янги навларни яратиш, ер унумдорлигини ошириш, маҳсулотлардан бир неча баробар юқори ҳосил олиш, ресурстежамкор техникалардан фойдаланиш каби навларни ҳам ўз ичига олади. Яъни кластерда барча жараён аниқ механизмларга асосланади. Буларнинг бари сифатли, халқаро талабларга жавоб берадиган экспортбон маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Қолаверса, кластерлар томонидан яратиладиган барқарор ва расмий иш ўринлари ҳам аҳоли даромадини оширишдаги натижадорлиги билан деҳқон ёки фермер хўжалигидан фарқ қилади.

Корхонами 2018 йилдан бошлаб кластерга айланди. Бу фаолиятимизни кенгайтиришда катта туртки бўлди. Умумий ер майдонимиз 53,5 минг гектардан орти. Асосий фаолиятимиз пахта хомашёсини чуқур қайта ишлашдан иборат. Бунинг учун барча шароит бор. Кластер ҳудудида пахтани қабул қилиб олиш пунктлари, ишлаб чиқариш цехлари, тайёр маҳсулот омборлари ташкил этилган. Шунингдек, пахта тозалаш заводи, ип йиғирув фабрикаси, бахмал матоси тўқиш ҳамда ёғ-мой заводи мавжуд.

ПАХТА ТОЛАСИНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАБ ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ БОЗОРГА ЧИҚАРИШ ХОМАШЁ СОТИШГА ҚАРАГАНДА КўПРОҚ ФойДА Келтиради. Корхонанинг Янги қуввати ишга тушгач, Тошлоқ туманида етиштирилаётган пахта хомашёсини юз фоиз қайта ишлаш имконияти пайдо бўлди. Бу кўпроқ иш ўринлари яратиш, туманининг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ҳозирда экспортдаги йиллик ўртача ҳажм 1,5 миллион килограммни ташкил этяпти. Маҳсулотларимизга туви давлатлардан харидовлар бор. Асосий ҳамкорларимиз Туркия ва Хитой.

Фермер хўжалиқларимизда етиштирилган пахта хомашёси 40 минг тонна қувватга эга заводда қайта ишлангач, ишлаб чиқариш цехларига юборилади. Аввал тола, сўнг ип-калава тайёрланади. Ип-калавадан эса мато, кейин тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ўтган йили 18 минг 559 тонна пахта хомашёсини қабул қилиб олган бўлсак, уни қайта ишлашдан 5 минг 797 тонна тола, 1 минг 351 тонна ип-калава, 384 тонна пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар олдик.

Кластерда йилга 3 минг тонна ип-калава ишлаб чиқарилади, эндиликда, бу қувват 6 минг тоннага етказилди. Гап шундаки, жорий йилнинг июль ойида давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифи давомида бир қатор санат корхоналари орасида бизнинг кластерга қарашли 3 минг тонна сифатли ип-калава ишлаб чиқарувчи корхона блокчини ҳам ишга туширди. Умумий қиймати 140 миллиард сўм бўлган мажмура инвестицион лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 260 та қўшимча янги иш ўрни, 15 миллион долларлик экспорт салоҳияти яратилди.

Айни вақтда кластерда 470 дан зиёд иш ўрни яратилган. Корхона, заводларимиз энг сўнгги русумдаги техникалар билан жиҳозланган. Жумладан, ип-калава ишлаб чиқариш корхонасида Швейцариянинг "Rieter" компаниясидан келтирилган замонавий технологиялардан фойдаланамиз. Урнатилган линияларнинг ҳар бир автоматиди ўзи бошқариладиган сенсорлар бор. Улар ип-калава сифатини доимий назорат қилиб боради. Технология энергетикакор бўлиб, энг катта афзаллиги ипни икки томонлама босим асосида йиғириб беришида. Қолаверса, корхонада сифат назорати доимий йўлга қўйилган бўлиб, ҳар соатда ип-калава лаборатория текширувидан ўтказилади. Ана шулар ҳисобига Европа стандартларига мос, юқори сифатли ип-калава ишлаб чиқаришмоқда. Улар жаҳон бозориди оддий маҳсулотларга қараганда бир неча баробар қимматга баҳоланади.

Умуман, пахта толасини чуқур қайта ишлаб тайёр маҳсулотни бозорга чиқариш хомашё сотишга қараганда кўпроқ фойда келтиради. Корхонанинг янги қуввати ишга тушгач, Тошлоқ туманида етиштирилаётган пахта хомашёсини юз фоиз қайта ишлаш имконияти пайдо бўлди. Бу кўпроқ иш ўринлари яратиш, туманининг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ҳозирда экспортдаги йиллик ўртача ҳажм 1,5 миллион килограммни ташкил этяпти. Маҳсулотларимизга турли давлатлардан харидорлар бор. Асосий ҳамкорларимиз Туркия ва Хитой.

Бундай катта қувватларга эришишнинг ўзи бўлмади. Бунинг учун тадбиркорга қулай муҳит зарур ва мамлакатимизда ана шу муҳит яратилгани бизга куч, ишонч берапти. Бугунги кунда биргина кластерларга берилаётган деярли барча янги имтиёз, имкониятлардан фойдаланиб келямиз. Яъни имтиёзлар ишларни кенгайтиришда катта қўмақ бўляпти.



### ҲОСИЛДОРЛИК САЛКАМ ИККИ БАРОБАР ЮҚОРИ

Мамлакатимиз пахта ва тўқимачилик саноатида бошланган янги ислохотларни охириги 6-7 йил билан боғлашимиз бежиз эмас. Чунки юқориди рақамлардан ҳам маълумки, шу йиллардан бошлаб ўзбек ўз пахтасига ўзи эга чиқа бошлади. Қийматни, кадрни аниқлаш баробарида бунинг исботини амалда ҳам кўрсатди. Энди Ўзбекистон пахта хомашёсини етказиб берувидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, экспорт қилувчи давлатга айланди.

Ўтган қисқа вақт ичида тўқимачилик ва тикувчилик саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири сифатида халқаро технологиялар ва

сифат стандартларини жорий этишда етакчилик қилмоқда. Миллий брендларимиз остидаги текстиль маҳсулотлари дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилиниб, жаҳон бозоридан муносиб жой эгаллапти.

Мажмура тармоқ, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашда катта имкониятлар тақдим эта олади. Ҳозир юртимиз буйлаб ярим миллиондан ортиқ киши шу тармоқда меҳнат қилапти. Агар бутун тизим илм ва замонавий технологиялар асосида ташкил қилинса, иш ўринларини 1 миллионга етказиш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Ориф БОБОХОНОВ,  
Наманган шаҳридаги "Art Soft Holding" МЧЖ таъсисчиси, "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони соҳибига:



— Кластер тизимининг асосини илм-фанга асосланган ёндашувлар ҳамда замонавий технологиялар ташкил қилгани боис, самарадорлик ҳам, ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам анча юқори бўлиши таъминланади. Юқори қувват ва ҳажмлар эса кўпроқ иш ўринлари яратишига йўл очади. Юртимиздаги пахта-тўқимачилик кластерлари ҳам айти шу вазифаларни бажаряпти, десак хато бўлмайди.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан буён тўқимачилик соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман. Ишни яқка тадбиркорликдан бошлаб, 2005 йилда "Наманган молик сочқилари" МЧЖ ташкил этдим. 2019 йилда эса кластер тизимига ўтдик. "Art Soft Holding" МЧЖ сифатида иш бошлаган кластерга Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманлари бириктирилди.

Айни пайтда қўшимча фаолият сифатида иссиқхона, чорвачилик, паррандачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, кафель керамика, чини-форфор маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишларимиз мавжуд. Соҳага илмий ёндашиш, замонавий инновацияларни таъбиқ этиш мақсадида аграр ва тўқимачилик йўналишларида фаолият кўрсатувчи илмий тадқиқот маркази ташкил этилган. Ҳозирга қадар ушбу тадқиқот марказимизда 5 минг 625 гектар майдоннинг туپроқ ҳолати таҳлил қилиниб, агрохимкарталари ишлаб чиқилди.

Тўқимачилик учун зарур бўладиган хомашё ўзимиздан чиқади. Мингбулоқ ва Поп туманларидан ажратилган 51,8 минг гектар экин майдонимизда пахта, ғалла ва бошқа экинлар етиштирилади. Ҳосилдорлик ҳам анча юқори. Ўтган йили 156 минг 714 тонна ғалла, 87 минг 357 тонна пахта олишга эришдик. Кластер фаолияти натижасида бир неча йиллардан бери пахта хомашёсини етиштириш режасини бажармай келаётган Поп туманида ўртача ҳосилдорлик 23 центнердан 38 центнерга, Мингбулоқ туманида 25 центнердан 40 центнерга етди. Ғалла етиштиришда ҳам ҳосилдорлик сезиларли ошди, 45-50 центнердан 70-75 центнерга кўтарилди.

Шу ўринда кластер нима қилдики, бу натижаларга эришди, деган савол туғилиши табиий. Аввало, юқориди таъкидлаганимдек, кластерлар олдида соҳага илмий ёндашиш, замонавий технологияларни қўллаш вазифаси қўйилган. Тўғри, бу анча кўп маблағ талаб этади, аммо натижа шунга яраша, ҳатто қўтилганидан юқори бўлишини фаолиятимизда қўриб келямиз. Хусусан, 3 минг гектар майдонда 60 миллиард сўмлик томчилатиб сўғориш технологияларининг жорий этилгани, қиймати 24 миллион долларлик 788 та замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари олиб келиниб, техника таъминоти яхшилангани ва бошқа омиллар ҳисобига ишимизга барака кирди.

Бундан ташқари, 2020 йилдан бошлаб илк бор органик пахта етиштириш йўлга қўйдик. Бунинг учун махсус халқаро сертификатни ҳам олдик. Жаҳон бозориди органик, яъни экологик тоза пахтага талаб ниҳоятда юқори бўлгани учун харидорларнинг ўзлари бизни то-

нда ўртача ҳосилдорлик 23 центнердан 38 центнерга, Мингбулоқ туманида 25 центнердан 40 центнерга етди. Ғалла етиштиришда ҳам ҳосилдорлик сезиларли ошди, 45-50 центнердан 70-75 центнерга кўтарилди.

Шу ўринда кластер нима қилдики, бу натижаларга эришди, деган савол туғилиши табиий. Аввало, юқориди таъкидлаганимдек, кластерлар олдида соҳага илмий ёндашиш, замонавий технологияларни қўллаш вазифаси қўйилган. Тўғри, бу анча кўп маблағ талаб этади, аммо натижа шунга яраша, ҳатто қўтилганидан юқори бўлишини фаолиятимизда қўриб келямиз. Хусусан, 3 минг гектар майдонда 60 миллиард сўмлик томчилатиб сўғориш технологияларининг жорий этилгани, қиймати 24 миллион долларлик 788 та замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари олиб келиниб, техника таъминоти яхшилангани ва бошқа омиллар ҳисобига ишимизга барака кирди.

Бундан ташқари, 2020 йилдан бошлаб илк бор органик пахта етиштириш йўлга қўйдик. Бунинг учун махсус халқаро сертификатни ҳам олдик. Жаҳон бозориди органик, яъни экологик тоза пахтага талаб ниҳоятда юқори бўлгани учун харидорларнинг ўзлари бизни то-

либ келяпти. Шу боис, органик маҳсулот етиштирилаётган майдонларни йилдан-йилга кўпайтириб, жорий йилда 200 гектарга етказилди.

Ўтган йили 618,7 миллиард сўмлик калава ип, тўкув, трикотаж ҳамда тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўис, жорий йил 7 ойининг ўзида 860,8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдик. Экспорт ҳажми ва географияси ҳам йилдан-йилга кенгаймоқда. Ўтган йили 36,6 миллион долларлик, шу йилнинг ўтган даврида 19,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилдик. Маҳсулотларимиз Россия, Беларус, Қозғистон, Польша, Латвия, Литва, Германия, Украина, Хитой, Туркия давлатларига кириб бормоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналаримиздаги техникаларимиз Европа давлатларидан олиб келинган. Масалан, Германиянинг "Carl Schmale" компаниясида ишлаб чиқарилган "Schmaleurate" дастхоналаридан 4 та урнатилди. Улар рулон ҳолатидаги сочқиларни автоматик равишда қўндаланг кесиб тикади ва этикетка қадайдди. Бунда иш унумдорлиги сочқилар асортиментига қараб соатига 700 дан 1 минг 400 донагача ёки бошқача айтадди, кунига 4 та дастхона 7 тоннадан 15 тоннагача маҳсулот чиқара олиш қувватига эга.

Кластерда 10 минг 800 киши ишлайди. Асосий мақсадларимиздан бири кўпроқ иш ўрни яратиш, ҳудудлар ривожига ҳисса қўшишдан иборат.

Олдиди режаларимиз бир қанча. Жумладан, Туркиянинг "Акча Холдинг" компанияси билан биргаликда келгуси йили қиймати 250 миллион долларлик инвестицион лойиҳани ишга тушириш, ишлаб чиқариш корхонаимизнинг 6 гектар майдонда 2-босқич ёстиқ ва қўрпа жилд тўқималарини ишлаб чиқариш ва бўшга мўлжалланган умумий қиймати 64,7 миллион евро мўқдориди лойиҳага старт бериш қўзда тутилган. Қиймати 30 миллион долларга тенг бўлган хорижий давлатдаги илк "ART SOFT KG" лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳам ҳаракатлар бошланган.

### СОҲАДА ЕТАКЧИ

Чиндан ҳам, кластерлар бугунги қишлоқ хўжалигининг катта кучига айланди. Аммо бу доим уларнинг ошиғи олчи, барча муаммолари осонликча ҳал бўлади, дегани эмас. Бозордаги тебранишлар, иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолатлар уларнинг фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши бор гап. Масалан, ўтган йилги пахта ҳосили бўйича жаҳон бозори билан ички бозор-

Алишер СОБИРОВ,  
Богот туманидаги "Хогазм tex" МЧЖ таъсисчиси, "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони соҳибига:

— Тадбиркорлик фаолиятини йўл ва қурилиш соҳасидан бошлаганман. 2018 йилдан пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этдим. Жараён осон бўлмади. Чунки хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган тизимни бирлаштириш энгил иш эмасди. Бунинг учун энг илғор технологиялар, илмга асосланган ёндашувлар зарур. Бу борада бизга давлат томонидан имтиёзли кредитлар ажратилгани катта қўмақ бўляпти. Банклардан кредит олиш масалалари ҳам аввалгига қараганда анча соддалашган.



Ортиқча овозгарчилик, тўсиқларнинг йўқлиги ишимизни энгиллаштиради. Иш бошлаганимизнинг аввалидан то бугунга қадар мана шу имтиёزلардан фойдаланиб келямиз.

Кластеримиз кўп тармоқли бўлиб, чорвачилик, деҳқон хўжалиги маҳсулотлари, пахта, бугўди етиштирилади. Салкам 4 минг гектар ер майдонимиз бор. Асосий фаолиятимиз пахта хомашёсини қайта ишлаб, тайёр кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат. Бу занжир чигитни ерга қадашдан пахта-ни етиштириш, тикув, ип-калава, трикотаж, жинси материал, пахта ёғи ишлаб чиқариш каби навлари қамраб олади.

Корхоналаримиз бир йилда 36 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Ишлаб чиқариш цехларимиз энг замонавий техникалар билан жиҳозланган. Улар вақт, ишчи кучи, ресурслари бир неча баробар тежас билан бирга, сифатли, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига хизмат қилапти. Кластер

тизимининг афзаллиги ҳам шунда: ишчи кучи ўрнини рақамлашган технологиялар эгаллайди. Албатта, қўл меҳнати талаб этиладиган ишлар ҳам бўлади. Шу боис, 1 минг 200 дан зиёд кишини иш билан таъминлаганмиз. Аммо барибир цехлардаги асосий жараён компьютерлашган тизим орқали бошқарилади. Айниқса, жинси материални ишлаб чиқаришда бу жуда муҳим. Сифатли маҳсулотнинг харидори ҳам кўп. Ҳозирда тайёр маҳсулотларимизни Туркия, Россия, Хитой, Украина давлатларига экспорт қилаймиз.

Жамоамиз билан фаолиятимизни янада ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигида катта ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, замонавий технологияларни жорий этиш, кўпроқ аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз. Зеро, юртимиз иқтисодиёти ривожиди локомотивга айланган кластерлар янги ташаббус, катта инвестицион лойиҳалар билан ҳам етакчи бўлиши керак.



# МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ

## Афзаллиги нимада? Камчилиги-чи?

**Жамшид ШАРИПОВ,**  
**Анвар ШЕРОВ,**  
**"Тараққийёт стратегияси"**  
**маркази экспертлари**

Бошланғич 1-бетда

Масофавий ўқитиш замонавий таълимнинг энг муҳим ва тобора оммавийлашган шаклидир. Замонавий шароитда ахборот-коммуникация технологияларининг тезкор ривожланиши таълим жараёнида қўлай шартини вужудга келтирди.

Бундай ўқитиш элементларининг таълим муассасаларида жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтирди. Олий таълим тизимида ўқитишнинг бу турини такомиллаштириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 559-сонли қарори билан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ОТМда масофавий таълим шаклини ташкил этиш тартиби белгиланди.

Мазкур тартибга мувофиқ, масофавий таълимни бошқариш учун Learning Management System платформаси, интернетга улашиш ва фойдаланиш учун ахборот-коммуникация инфратузилмаси, ўқув контентни, фанларнинг электрон ўқув-методик мажмуалари ҳамда илмий ва ўқув адабиётларининг электрон базаси, таълим ташкилоти тўғрисидаги барча ахборот жойлаштирилган расмий веб-саҳифа бўлиши каби талаблар қўйилди.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобига кадрларнинг сифатини яхшилаш имконияти кенгайтирилади.

Онлайн ёки масофавий таълим деганда, негандир юртимиз аҳолисининг ақсариёти қисми пандемия сабабли жорий этилган таълим турини тушунади. Лекин масофавий таълим пандемияга қадар ҳам қатор хорижий давлатларда таълимнинг замонавий тури сифатида қўллаб келинган. Европа университетлари ассоциацияси таяёрлаган "Distance education in European higher education" ҳисоботида кўра, Европада фаолият юритаётган олий таълим муассасаларининг 53 фоизидан аллақачон масофавий таълим шакли йўлга қўйилган.

АҚШда пандемия туфайли жорий этилган карантин шароитида ўқувчилар онлайн таълимда турли дастур ва платформалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Нью-Йорк таълим департаменти ўз веб-саҳифасида "Learn at home" ("Уйда ўқи") руқнини очди. Мазкур руқнда уйга вазифалар, барча фанлар бўйича ўқув материаллари ва бошқа фойдаланиш платформалар ҳаволалари жойлаштирилган. Таълим статистикаси миллий маркази маълумотларига кўра, АҚШ аҳолисининг қарийб ярми масофавий ўқитишга базавий олий таълим шакли сифатида қаради.

**“ АҚШДА ПАНДЕМИЯ ТУФАЙЛИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН КАРАНТИН ШАРОИТИДА ЎҚУВЧИЛАР ОНЛАЙН ТАЪЛИМДА ТУРЛИ ДАСТУР ВА ПЛАТФОРМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛДИ. НЬЮ-ЙОРК ТАЪЛИМ ДЕПАРТАМЕНТИ ЎЗ ВЕБ-САҲИФАСИДА "LEARN AT HOME" ("УЙДА ЎҚИ") РУҚНИНИ ОЧДИ. МАЗКУР РУҚНДА УЙГА ВАЗИФАЛАР, БАРЧА ФАНЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БОШҚА ФОЙДАЛИ ПЛАТФОРМАЛАР ҲАВОЛАЛАРИ ЖОЙЛАШТИРИЛГАН. ТАЪЛИМ СТАТИСТИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, АҚШ АҲОЛИСИНING ҚАРИЙБ ЯРМИ МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШГА БАЗАВИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ШАКЛИ СИФАТИДА ҚАРАЙДИ.**



Бугун масофавий таълим шакли бўйича қабул параметрлари белгиланган давлат ОТМларида масофавий таълим жараёнини ташкил этишда қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Биринчидан, ақсарият олий таълим муассасалари томонидан масофавий таълим жараёнини ташкил этиш учун фойдаланиладиган ва таълим жараёнининг асосий воситаси ҳисобланган Moodle платформасига электрон ўқув адабиётлар ва видеодарсликларни жойлаштириш имкони йўқ ёки ҳажми чекланган. Натижада ўқув адабиётлари, контентлар ва бошқа материаллар талабаларга химояланмаган телеграм ва YouTube каналлари орқали етказилмоқда. Мазкур платформа коронавирус пандемияси даврида онлайн таълимни ташкил этиш учун ягона ечим бўлса-да, бугун доллар ҳисобланган асинхрон масофавий таълим жараёнини ташкил этиш талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Бу талабалар ўзлаштириш суръатининг пасайишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 559-сонли қарори билан масофавий таълимни ташкил этиш учун ўқув муассасасида ўқитиш жараёнини режалаштириш, бошқариш, амалга ошириш ва баҳолаш учун Learning Management System платформасининг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Таълим муассасалари, педагог ходимлар, таълим олувчилар ва бошқа ахборотлар тўғрисида ягона маълумотлар базаси ахборот тизимига интеграция қилиниши мажбурияти бугунга қадар бажарилмаган. Тизим ҳамон йўлга қўйилмаган.

Учинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг масофавий таълим шакли бўйича ўқув контентлар тайёрлаш билан боғлиқ иш ҳажми ва ўқув юкламасини аниқлашнинг муайян механизми мавжуд эмас. Шу боси, профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақини ҳисоблаш ёки моддий рағбатлантириш бўйича тизим йўлга қўйилмаган. Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, масофавий таълимда бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сонининг 1:50 нисбатда чекланиши ҳам профессор-ўқитувчига тўғри келадиган ўқув юкламаси ҳажмининг кескин ошиши ва натижада таълим жараёни сифатининг йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Тўртинчидан, Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни



ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-моддасига асосан, масофавий таълим шаклига талабаларни қабул қилиш, ўқишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлатиш бошқа таълим шакллари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши назарда тутилган. Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сонли қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомда масофавий таълимга хос нормалар инobatга олинмаган. Тегишли ўзгаришлар эса ханузга қадар киритилмаган. Бу олий таълим муассасаларида масофавий таълим шаклини белгиланган тартибда ташкил этишда муаммоларни юзга келтирмоқда.

Бешинчидан, олий таълим муассасаларида машғулотлар ва имтиҳон жараёнида талабалар шахсини автоматик аутентификациялаш, хатти-ҳаракати ва нигоҳи йўналишини назорат қилиш, хондаги товушлар таҳлили, видеодаги бузиллишларни тузатиш ва ҳисоботлар тайёрлашга йўналтирилган автопрокторинг дастурий тизимининг йўлга қўйилмагани давомат ва ўзлаштириш назорат қилишга имкон бермайди.

Олтинчидан, аънавий таълимга қараганда масофавий таълим жараёнини ташкил этиш камхарж бўлиши, жумладан, ўқув ва турар жой биноларини сақлаш, коммунал хизматлар-

дан фойдаланиш, техник ва хизмат курсатиш ходимларини сақлаш, ўқув адабиётларини чоп этиш ва бошқа аънавий таълимга хос харажатлар йўқлиги ўқитиш хизматининг таннархини пасайтиради. Шунга қарамай, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тўлов-контракт миқдори аънавий таълим шаклига нисбатан юқори этиб белгиланган.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш, мазкур жараёнда илгор технологиялар ва хорижий тажрибани амалиётга жорий қилиш ҳамда Тараққийёт стратегиясида белгиланган мақсадларни сифатли амалга ошириш учун қўйиладиган тақлиф этилади:

1) ёшларнинг масофавий таълимга қизиқиши йил сайин ошиб бориши ва мазкур жараёнда таълим сифатини таъминлаш учун оралиқ ҳамда якуний назорат ишларини масофадан туриб кузатиб бориш (автопрокторинг) талаб этилади. Шунинчунинг олган ҳолда, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, оралиқ ва якуний назорат ишларини ташкил этиш жараёнида талабанинг биометрик маълумотларига асосан шахсини мустақил аниқлайдиган, хатти-ҳаракатини назорат қиладиган, хондаги товушларни таҳлил қилиб борадиган, имтиҳон жараёнида қоидабузарликларни кузатадиган ва қайд этадиган замонавий автопрокторинг тизимини амалиётга жорий этиш;

2) талабалар билимини инсон омилли аралашувисиз баҳолаш ва коррупциявий ҳолатларни бартараф қилиш мақсадига келгусида мазкур тизим олий таълимнинг кундузги, кечки ва сиртки бўлимларида тўлиқ жорий этиш масаласини ўрганиб чиқиш;

3) чекловларсиз ўқув адабиётлар, видеодарсликлар, амалий машғулотлар ва бошқа ўқув контентларини жойлаштириш, талабаларнинг мазкур ўқув контентларидан фойдаланишини мониторинг қилиш имконига эга махсус платформани олий таълим муассасалари фаолиятига татбиқ этиш зарур. Шунингдек, Learning Management System талабларидан келиб чиқиб, мазкур платформани Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Таълим муассасалари, педагог ходимлар, таълим олувчилар ва бошқа ахборотлар тўғрисида ягона маълумотлар базаси ахборот тизимига интеграция қилиш бўйича тезкор чоралар кўриш;

4) масофавий таълимнинг жозибдорлигини ошириш учун ўқув жараёнида интерфаол машғулотлар, жумладан, турли мультимедиа, анимация, виртуал лабораториялардан фойдаланиш кўламини ошириш ҳамда мазкур жараёнларни ташкил этиш учун масъул профессор-ўқитувчилар малакасини муттасил ошириш;

5) масофавий таълим тизиминида ўқув жараёнининг сифатини ошириш ҳамда унга малакали кадрларни жалб қилиш мақсадига ўқув-амалий машғулотлар учун мультимедиа, анимация, визуал ва кўргазмалли материалларни ўз ичига олган электрон ўқув контентларини яратиш бўйича профессор-ўқитувчилар фаолиятини рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

6) масофавий таълимнинг тўлов-контракт миқдорини аниқлаш бўйича хорижий тажрибани чуқур ўрганиш ва олий таълим муассасаларининг реал харажати (хизмат таннархи)дан келиб чиқиб, масофавий таълимнинг тўлов-контракт миқдорини белгилаш тизимига ўтиш.

Бугун Ўзбекистонда масофавий таълимда белгиланган тўлов-контракт пулининг энг кам миқдори аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ЯИМга нисбатан 30,8 фоизни ташкил этса, ушбу кўрсаткич Германия, Франция, Австрия, Италия, Испания ва Чехия каби Европа давлатларида 4-8 фоиздан ошмайди. Ўз навбатида, реал таълим хизмати нархининг белгиланиши келгусида мамлакатни олий таълим хабиға айлантириш ва ўқитиш хизматлари экспортининг ошишига имкон яратлади.



## ЯНГИ МЕГАЛОЙИҲА

### Мақсад аниқ, натижани эса вақт кўрсатади



**Худойназар ЮНУСОВ,**  
**биология фанлари доктори,**  
**профессор, Ўзбекистонда**  
**хизмат кўрсатган чорвадор**

Бошланғич 1-бетда

Ўзбекистоннинг демографик кўрсаткичи йил сайин ошиб бормоқда. 30 ёшгача бўлганлар мамлакат аҳолисининг 60 фоизини ташкил қилади. Келгуси 20 йилда бугунги ўғил-қизлар мамлакатимиздаги энг йирик асосий кучга айланади ва юртин бошқаради. Бугун Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетидида ишлаётган 600 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларнинг ақсарияти ёшлар.

Ривожланган дунёда мамлакатларнинг асосий такомиллашув механизми рақобатга асосланади. У инсониятни доим юксаклик, қомиллик ва барқамолликка ундайди. Бундай соғлом рақобат муҳити ўзгача шаклда таълим тизимида ҳам мавжуд. Рақобат ривожланиши ва тараққийётнинг шартларидан биридир. Аудиторияга қирадиган ўқитувчи талабанинг ҳар бир саволига жавоб бера олиши керак. Акс ҳолда, тезда ёшлар назаридан қолади.



Мазкур олий таълим даргоҳи соҳага ихтисослашган ўнлаб нуфузли университетларнинг илмий тадқиқот ва таълим фаолияти, шунингдек, халқаро таълим дастурлари тизими билан ҳамкорликда иш олиб борапти. Университет ўтган даврда малакали кадрлар тайёрлаш, тажрибали профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш йўналишида самарали тизимни йўлга қўйди. Шунингдек, ихтисослаштирилган ўқув-илмий лабораториялар, ўқув-тажриба, ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳужалиқлари ҳамда ҳудудий филиаллар, техникум ва академик лицей фаолиятини изчил ривожлантирмоқда.

Халқаро рейтингимиз яхшилланиши натижасида нуфузли хорижий ОТМлар билан таълим ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилиш имконияти ташкил этиш мақсадига ОТМларнинг моддий-техник базаси яхшиланди. Соғлом рақобат муҳитини такомиллаштириш учун эса профессор-ўқитувчиларнинг илмий даражаси, ишланмалари, илмий мақолаларидан келиб чиқиб, уларнинг илмий фаолиятига ҳақ тўлаш тизими шакллантирилди.

Давр талаб этаётган инновацияларни рўёбга чиқариш учун олий таълим муассасасининг ўзи ҳам замонавий инновацион технологияларни фаолиятига татбиқ қилиши лозим. Бу илмий инновацион ривожланишни бошқаришга мўлжалланган технология, механизм ва усуллари такомиллаштиришни тақозо қилади. Университетда бошланган янги мегалойиҳа бунга яққол мисолдир.

Илмий кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, илмий изла-

нишларни тижорийлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, талабалар амалиётини ташкил этиш ҳамда тўлиқ ўзини ўзи молиялаштириш механизминини яратиш мақсадида барча имкониятни ўзидида мужассам этган "Ўзбекистонда ветеринария, биотехнология ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун илмий кадрларни интенсив тайёрлаш илмий бизнес инкубатори" мегалойиҳасига старт берилди. Унинг асосий мақсади юқори малакали, халқаро талабларга жавоб берадиган илмий кадрларни интенсив тайёрлаш орқали мамлакатимизда ветеринария, биотехнология ва чорвачилик соҳасини етакчи ўринларга олиб чиқишдан иборат.

Айни пайтда лойиҳада 75 нафар ёш олим фаолият юритмоқда. Уларнинг 15 нафари фан доктори (DSc), бошқалари фан номзоди (ёки PhD). Бундан ташқари, мустақил изланувчилар ва магистрлар тегишли мавзуларда илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Мегалойиҳа ва ундан қутилаётган натижалар Президентимизнинг 2022 йил 8 февралдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурнинг мақсадли параметрлари ва асосий йўналишлари ижросига қаратилган. Унга кўра, дастур аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ҳамда чорвачилик ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтириш, ушбу соҳада озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Чорвачилик соҳасида сифат назоратини қўлайтириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, қўлаверса, бошқа муҳимроқ муаммолар — атроф-муҳит муҳофазаси, чорвачилик ва ветеринария соҳасида инфратузилма хизматларини ўз ичига имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш каби энг устувор вазифалар лойиҳа доирасидаги илмий тадқиқот ишлари давомида

тажриба-синовдан ўтказилади. Мазкур фаолият Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётидаги жадал янгилини ҳамда ўзгаришлар шароитида таълим ва фанни инновацияларга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш мақсадларига тўла мос келади.

Лойиҳа иштакорчилари бу йил ташкил этилиши режалаштирилган 25 та чорвачилик кластери учун ҳам мутахассислар тайёрлайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 24 августдаги "Чорвачиликда идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2023-2024 йилларда юртимизнинг 25 та ҳудудда ихтисослаштирилган чорвачилик мажмуалари фаолияти йўлга қўйилади. Уларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш эса кластелар ривожини ун энг муҳим шартлардандир.

Бугун таълим-тарбия масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Сабаби глобаллашув жараёнида инсон қалби ва онги учун кураш шиддат билан кечмоқда. Бу эса педагоглар зиммасига ҳам залворли масъулият юкляпти. Таълимнинг қайси босқичида бўлмасин, мазмунни ошириш ва сифатни таъминлаш замонавий педагогнинг асосий вазифасига айланмоқда. Ўқитиш сифатини таъминлаш талабаларнинг тайёргарлик даражаси билан бирга ўқув жараёнининг қандай ташкил этилиши, белгиланган сифат мезонларига жавоб беришида кўринади. Бу вазифа бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топади.



ШУКРОНА

ХОТИРЖАМЛИК, ЕНГИЛЛИК БАҒИШЛОВЧИ НЕЪМАТ

Қамчибек КЕНЖА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар муратбийси



Ёши ўтгани сайин инсон тинчлик-осойишталик, эркин ва фаровон ҳаётга шукрона келтириш хайру баракани янада зиёда қилишни теранроқ англаб бораверади. Айниқса, миллиардлаб одам ташналикда ҳаёт кечираётган бугунги замонда биз жаннатмонанд юрда фаровонликда умргузаронлик қилаётганимиз учун ҳам шукрона айтмазим.

урилган, сурилган, кўллари жони билан товон тўлаша мажбур бўлган. Кейинги бугун ижодкорларнинг вакиллари ҳам юртдошлари, миллатдошларини баркамолликка, комилликка, дадилликка даъват этиб, уларда гурур туйғусини кўзга тўкишга ҳаракат қилади. Яъни халқини қадди рост, тили бурро — эркин фикрли ҳолда, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланган тарзда қўришни, Ватани обод, мамлакатни нуфузи дунё миқёсида сарбаланд бўлишини хоҳлайди ва бу оруз-муддаolari доимий мавзусига, бир умрлик маслага айланади.

Ижод аҳли, Яратган унинг дилига соладими, қалам тебратта бошлаган дастлабки паллалариданоқ юрти равнақи, ўзи мансуб бўлган миллат камолоти-инсоний қадр-қиммат билан боғлиқ ҳис-туйғуларини қозоғга тўкишга ҳаракат қилади. Яъни халқини қадди рост, тили бурро — эркин фикрли ҳолда, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланган тарзда қўришни, Ватани обод, мамлакатни нуфузи дунё миқёсида сарбаланд бўлишини хоҳлайди ва бу оруз-муддаolari доимий мавзусига, бир умрлик маслага айланади.

Ҳа, Ватанимизга, халқимизга эрк ёр бўлишни қалам аҳли, зиёлилар ҳаммадан кўпроқ оруз қилган, интиланган. Шукри, салафларимизнинг истак-умидлари, эзу ниятлари мустажоб бўлди. Албатта, дарҳол эмас, қутилганлик ҳам эмас...

Не-не оруз-умидлар билан эришганимиз мустақилликнинг дастлабки 25 йилда деярли чироксиз, боз устига, "террорчи келяпти", "экстремист келяпти", "олабўжи келяпти" каби ваҳималар ичида, "ўзингни ўзинг асра!" "ўз уйингни ўзинг қўриқла!" деган таҳдидлар остида, эшик-дарвозалари ичидан қатма-қат дамбалаб, узокда қариндош туғул, қўни-қўшни билан ҳам кирди-чиқди қилполмай ўтирди. Худди мамлакатда милиция йўқдек, армия йўқдек, давлат йўқдек... Дунёда ҳамма ёвдек... Мана, тинчгина яшаймиз, ҳеч қандай олабўжи ҳам, қорабўжи ҳам таҳдид солаётгани

йўқ. Шунда ҳам шукр қилмаслигимиз керакми?

Кейин ҳаммаси изга тушиши, Ватан гуркираб-яшнаб, меҳнаткашларнинг ошиғи олчи бўлиши, эл шод, юрт обод бўлмоғи учун, биринчи галда, паришон, маҳзун чехраларга табассум ато этиш, яъни рўзгор тебратмакка маош ва нафақаларни вақтида бериб туриш, келажакка умид, ишонч бахш этишга, тараққийга эришмоқ учун йўллардагио диллардаги тўсиқ-ғовларни олиб, тушовларни ечиб ташлаш, ҳар турли чекловларни бартараф этиб, алоқалар, муносабатларни қайта боғлаш, жаҳонга йўл очиш, ислохотларни ислох қилиш ва бошқа муаммоларга ечим топиш лозимлиги аён бўлиб қолди. Энг зарури, қуйида қолиб кетган инсон омилини олдинги ва долзарб макомга чиқариш эди.

Шу аснода "халқни рози қилиш"дек ўта муҳим, олижаноб ва эзу шир илгари сурилди. Дарҳақиқат, ҳар қанча тараққийту ривожга эришишдан, бу йўлдаги ҳар қандай сая-ҳаракат, машаққатлару ривазлардан асосий мақсад-муддао аҳоли турмушини фаровонлаштириш, дарду ташвишини енгиллаштириб, камайтириб, шодлиғу қувончларини ошириш, турмуш даражасини юқори кўтаришдан иборат-ку. Шундай бўлди ҳам — халқнинг арз-додини тинглайдиган махсус маҳкамалар очилди, қатлиб ётган ижтимоий муаммолар, кўнгиллардаги туғунлар ечила бошлади. Қадду бастрлар ростилади, нигоҳларга табассум инди, нурли истиқболга ишонч уйғонди. Ўзбекистоннинг дунё миқёсида танилиб, тан олинди, барча соҳадаги шиддатли қадамлари ўлчо-ви энг баянд, қарчи узун сиёсатдонлару иқтисодчилар эътирофига сазовор бўлаётганини, хорижий давлатлар билан иқтисодий, маданий-ижтимоий ҳамкорликларимиз сайн сайн кенгайиб бораётганини, ҳар қандай мамлакат билан елкама-елка тараққий-ётган Ватанимиз буйи-басти тобора юксалаётганини кўра-била туриб ҳам нега фахру-ифтихор туймаслигимиз, шукр қилмаслигимиз керак?

Энг муҳими, одамлар инсоний қадр-қимат нима эканини англай бошладилар. Илло, шунчаки англаш, баҳраманд бўлиш яхши, лекин қадрларининг қадрига этиш, яратилган имкону имтиёзларни, гамхўрлиғу ҳимояланган ҳақ-ҳуқуқларни суистеъмол



қилмаслик масъулияти ҳам бор-ку. Қадрига этиш учун олам бирдиган гулистон бўлиб қолмаслигини, аввалги даврларини қайта йўлга қўйишга, қутубхоналардаги курада гулистонликка эришиш учун эса инсоф, сабр, қаноат, шукр деган қондалар синовидан ўттиш зарурлиғи тайин. Бунинг учун эса маданият, маърифат, маънавият сабоқларини ўзлаштириш тақозо этилади.

Не тонги, ижодкорларнинг бу борадаги куйинишлари, фидойилиғи, ватанпарварлиғи, миллатпарварлиғи ҳар доим ҳам хуш қабул қилинавермаган. Хайрият, кейинги йилларда ана шу галат аънаҳа ҳам ўзгарди. Қалам аҳлига ўнг кўз билан, ҳақиқий зиё тарқатувчи, онғу шуурга илму маърифат, кўнгилларга маънавий озик улашувчи тоифа сифатида қараш юзага келди. Шарқу Фарб олимларини лол қолдирган алломаи киромларимиз ўтгани, ўша буюк аждодларимизга муносиб ворислигимизни исботлаш муқаддас бурчимиз эканини ўқидириш учун Учинчи Ренессансга ҳам янги Ўзбекистонда пойдоғларни яратиш ташаббуси қўрсатилди. Бугун бу гоёна амалга ошириш учун илму фан аҳлига барча шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Яна миллат учун энг оғриқли, яъни маънавий қашшоқликка

олиб борадиган, тафаккурий юксалишни ҳавф остига қўядиган ўта жиддий муаммо — издан чиқиб кетган китобхонлиқни қайта турмайдиған, мантисиз асосларга қўра "қатагон" қилинган китоб фондларини ўрнини тўлдиршига, шу билан бира, бадий ижодга, ижодкорларга алоҳида эътибор қаратириш ўзлаштириш тақозо этилади.

2018 йили май ойида ҳаётимда фавқулодда ва умрбод ёдда сақланадиган бир воқелик бўлди. (Бу гапларни беш йилдан сўнг ёзаяман). Давлатимиз раҳбарининг Андижонга ташрифи чоғида ижодкорлар билан учрашувда адабиёт ва унинг халқ руҳини кўтаришдаги хизмати ва бошқа вазифалари борасида суҳбат бўлди. Ушанда биз — Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низоми, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисидан вилоят бўлими раҳбари шоира Хуршида Ваҳобжон қизи ва камина китобларимиздан истихолоа билан тақдим қилганимизда Шавкат Мирзиёев уларни "Мен китоб ўқини ахши кўраман", деб мамнуният билан қўлига олди ва ўша жойинг ўзида варақлаб, мавзу-мундарижалари билан ўқиди. Орадан икки ҳафта ҳам ўтмай, ҳар учала-мизга Президентимиз номидан рағбатнома

келди. Ғоятда самимий ёзилган номаларда у киши китоблар билан танишиб, катта таассурот олганини қайд этиш баробарида бизга ижодий муваффақиятлар тилаган эди. Вилоятда яшаб, қўлидан келганича бир нималар қоралаб юрган оддий қаламкашга эътибор шунчалик булар, гамхўрлик шунча бўлар!.. Шундай кўтулғу ҳодиса, шундай опий муносабат учун ташаккур билдирмаслик, шукр келтирмаслик мумкинми? Ахир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпону Абдулла Қодирий, Усмон Носиру Абдулла Авлоний, Беҳбудий ва Мунавварқори ва бошқа унлаб адабиёт, маданият фидойилари бундай эътирофу эъозларга сазовор бўлмади-ку... Ҳар йили Мустақиллик байрами олдида давлат мукофоти билан тақдирланадиган турли соҳа вакиллари сафидан ижод аҳлига ҳам нуфузли ўрин ажратилиши гамхўрлик ва юксак эътиборнинг янада ёркин ифодаси эмасми? Демак, мана шундай омон-омон, қалам аҳли қадр топган замонларда умргузаронлик қилаётганимиз, ҳеч бир кимсангиз меҳнат диққат-эътибордан четда қолмаётгани учун ҳар қанча шукр айтсак ҳам эмасми?

Мен гарчи кўп йиллар пойтахтда, вилоят марказида турли вазифаларда ишлаган бўлсам-да, анча вақтлардан бери туғилиб устан гўшам — Андижоннинг бир чеккасидаги Гуркиров қишлоғида яшайман. Шунга қарамай, баҳоли қудрат яратган биткиларимиз китобхонлар, адабий жамоатчилик назарига тушиб, умумий ўрта таълим мактаблари дарслиғига, давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ қўрилиши мен учун катта шараф-қўр. Шундай экан, нечук шукр келтирмаймиз?

Албатта, ёшларга ибрат йўсинидаги бундай рағбатлар янада дурустроқ асарлар ёзиш, халқимизга, Ватанимизга — янги Ўзбекистонга янада астойдилроқ хизмат қилишдек улкан масъулият юклайди, айни чоғда, илҳомлантиради, руҳлантиради, ватанпарварлик туйғуларини жўш удрдиради. Шукрона айтиш, миннатдорлик изхор этиш эса кўнгилни янада ёриштиради, хотиржамлик, енгиллик бағишлайди.

ТУРИЗМ

РИШТОНГА САЙЁХ КЕЛСА, ХИЖОЛАТ БЎЛАРДИК

Бугун манзара ҳам, шарт-шароит ҳам бошқача

Ўттиз йил аввал қадим Риштон туманини истиқболли туризм ҳудуди сифатида ҳеч ким билмасди. Бугунга келиб, бу борадаги фикр ва қарашлар ўзгарди. Эндиликда кулоллар юртига завоқ-яқиндан келаётган сайёҳлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

Туманда туризм салоҳиятини ривожлантириш мақсадида янги сайёхлик йўналишлари очилди, тарихий обидаларни таъмирлаш, миллий хунармандчилик, халқ амалии санъати намуналарини кўпайтириш ва тарғиб қилиш кўчанди. Халқимизнинг буюк ўтмиши, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий хунармандчилик аънавалари, инсоний қадриятлари ҳақида яқиндан билш истағида бўлган сайёҳлар сонини ортти бормоқда.

Шу йилнинг ўзида ички ва ташқи туризм йўналишларида 2 миллион 645 мингдан ортиқ меҳмонлар келди. Уларнинг 500 мингдан

зиёди хорижий сайёҳлардир. Бу ерда эко-туризм, агротуризм, этнотуризм, спорт туризми, қишлоқ туризми ва табиёт туризми сингари йўналишларни ташкил этиш бора-сида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Россия, Италия, Франция, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Жанубий Корея, Украина, Латвия, Озарбайжон, Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани туризм салоҳиятини янада кенгайтириш имкониятини бермоқда.

— Яқинчага туманимизга меҳмон келса, хижолат бўлардик. Чунки сайёҳ ва меҳмонлар учун оддий меҳмонхона ҳам йўқ эди, — дейди Фарғона вилоят туризм бошқармаси етакчи мутахассиси, туман Кенгаши депутати Баҳодир Эрматов. — Бугун ўзгаришлар кўп. Шу кунга қадар 2 та замонавий меҳмонхона, 1 та хостел, 40 дан ортиқ оилавий меҳмон уйлари барпо этилди. Тахлилларга кўра, оилавий меҳмон уйларига бўлган талаб тобора ортмоқда. Сайёҳлар ҳашаматли меҳмонхоналарда эмас, ўзбекона жиҳозланган оддий хонадонларда яшашни афзал кўрмоқда. Чунки улар халқимизнинг қундалик турмуши, урф-одатлари, оилавий аънавалари ҳақида кўпроқ билишни истайдилар. Меҳмон уйларида зарур даражада сифатли хизмат кўрсатиш, тозалликка алоҳида эътибор бериш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча шароит яратилган. "Олтин водий" уч қунлик саёхат дастури ишлаб чиқилган. Шунингдек, туризм мавзеси ва қўчалари фаолиятини ташкил этиш устида иш олиб бораймиз.

"Оқер" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида иш бошлаган "Чинор плюс 2020" кулолчилик ва туризм маркази ана шундай истиқболли лойиҳалар сирасига киради. "Фалот тадбиркор" кўкрак нишонини соҳиби Исролжон Ортиқов ташаббуси билан ишга туширилган мажмуа кулолчилик, меҳмонхона ва хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олган. Янги марказнинг ўзига хос жиҳати бу ерга келган сайёҳлар оддий саз турпоқдан мўъжиза яратаётган кулоллар фаолияти, машҳур Чўнғара гуручидан палов тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишиш, бевосита иштирок этиш имкониятига эга. Бу ерга умумий қиймати 55 миллиард сўмлик инвести-



ция йўналтирилди, мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Эллик ўринли замонавий меҳмонхона йил давомида 9 мингдан ортиқ туриста хизмат кўрсатади.

Президентимиз ташаббуси билан кўҳна юрда илк бор "Халқаро кулолчилик маркази" ташкил этилган эди. Бу ерда 20 дан ортиқ уста-қулол Риштон аънаваний кулолчилик мактабини ривожлантириш, тарғиб қилишда фаол иштирок этапти. Хунармандчилик аънавалари ривожланган "Қалайнав", "Тўраобод" маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам музей ва хунармандлар марказлари ташкил этилмоқда.

Туну кун хизматга шай

"Марказ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ар-Рошидоний кўчасида туну кун ишлайдиган 80 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилди. Бу ерда озик-овқат ва хўжалик моллари, кулолчилик маҳсулотлари сотуви, ишлаб чиқариш устакханалари, намозхона, компьютер хизмати, сартарошхона, дохинона, стоматология, табибий диагностика, қасбхона, умумий овқатланиш, пиширқ тайёрлаш шохобчаси, фотостудия, аёллар гўзаллик салони сингари қундалик ҳаётда керакли бўлган

тириш орқали туризм салоҳиятини кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш орқали камбағалликни қисқартиришдир.

Кутлуғ қадамжолар

Кейинги йилларда зиёрат туризми ҳам оммалашмоқда. Риштондаги муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга қизиқиш катта. Шу мақсадда мазкур мажмуалар ҳақида тўлақонли маълумот тўплаш, таъмирлаш, зиёратчилар учун зарур шарт-шароит яратиш, тарғиб қилишга эътибор ошди. Шу кунга қадар "Соҳибий ҳидоя", "Хўжа Рушноий", "Хўжа Илғор", "Мулла Исмаилов қори" ва "Йилтириш" зиёратгоҳларида таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бу ерларга, айниқса, ислом мамлакатларидан келувчи сайёҳ ва зиёратчилар кўпайган.

"Хўжа Илғор" ва "Мулла Исмаилов қори" зиёратгоҳлари ўзига хос мезморчилик ансамблига эга. Тадиқотчиларнинг айтишича, мажмуа XIX асрда шу ерлик таниқли шахс Хўжа Илғор шарафига қурилган. Мажмуада масжид, мақбара, чиллаҳона, гор хозирга қадар сақланиб турибди. Давлат муҳофазасига олинган бино пештоқлари, устун ва том қисми Фарғона услубига хос нақш билан ишланган. Унга ёндош "Мулла Исмаилов қори" мақбараси, чуқурлиғи 3-4 метрлик гор, қанонлардир талабалар учун бошпана вазифасини ўтаган хўжра ва чиллаҳоналарга ҳам сайёҳлар қизиқиш билан қарайди. Бу ердаги иш асрлик тут дарахти ҳам ҳаммининг ҳайратини уйғотади.

— "Хўжа Рушноий" зиёратгоҳи кутлуғ қадамжолардан, — дейди "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси, "Дустилик" ордени соҳиби Турсунжона Абдурахмонов. — Умумий қиймати 1.5 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилиб, маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни қабул қила оладиган мажмуага айланди. Хўжа Рушноий ёруғлик, рўшнолик, хайрли амаллар тимсоли сифа-

Японча гаплашамиз

"Риштон — Япония" маданий иқтисодий алоқалар маркази қошида ташкил этилган япон тилини ўқитиш мактаби қунчиқар ўлка билан илмий-маданий, туризм алоқаларини тиклашда ўзига хос тўлақонли вазифасини ўтаб келаётгани билан акрелиб туради.

Бу ерда водий шаҳар ва туманларидан келган 160 дан зиёд йилгит-қиз тақсил олади. Уларга Япониядан келган тажрибали устозлар сабоқ беради.

— Мактабимизнинг кўпалаб собиқ ўқувчилари Япониядаги олий ўқув юрларида таълим олиб, ўша ердаги ийрик фирма ва компанияларда фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди мактаб раҳбари Ғанишер Назиров. — Ёшларга нафақат япон тили, балки қунчиқар юртининг маданияти, урф-одат ва аънавалари, тарихи ҳам ўргатилади. Марказ ташкил топганидан буён ўзaro дўстлик ва маданий алоқалар тобора кенгаймоқда. Кейинги йилларда мингдан ортиқ япониялик меҳмонлар ушбу марказ ҳамда япон тилини ўқитиш мактаби фаолияти билан танишиш мақсадида Риштонга келди. Бу ерда уларнинг уста кулоллар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда маҳаллий урф-одатлар билан яқиндан танишишлари учун барча шароит хозирланган.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.

Publication information including contact details for the newspaper and its digital presence.